

17. Раҳмонов А. Ўзбекистон Республикасида давлат бошқаруви. – Т.: Академия, 2006.	
18. Куранбаев Қ. Ўзбекистонда янги раҳбар кадрлар тизимининг шаклланиши ва ривожланиши. – Т.: Янги асравлоди, 2007.	
1. www.president.uz – Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти	
2. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали.	
3. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.	
4. www.ziyoue.uz – Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Таълим портали.	
5. www.dba.uz – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академияси.	
7. Ўзбекистон Миллий университети томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.	
8. Фан/модуль учун маъсул: К.М.Мирзаахмедов – ЎзМУ “Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқ таълими” кафедраси доценти.б., сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).	
9. Такризчилар: Ш.И.Пахрутдинов–Абдулла Авлоний номидаги илмий-тадқиқот институти профессори, сиёсий фанлар доктори. Ф.Н.Жўракулов – сиёсий фанлар доктори, профессор в.б.	

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ



ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АСОСЛАРИ

ФАНИНИНГ ЎҚУВ ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 300 000 – Ижтимоий фанлар, журналистика ва ахборот.

Таълим соҳаси: 310 000 – Ижтимоий ва ҳуққ атворга оид фанлар.

Таълим йўналиши: 60310700 – Сийсатпунослик.

Фан/модуль коди DBAB209	Ўқув йили 2022-2023	Семестр 3-4	Кредитлар 9
Фан/модуль тури Мажбурий	Таълим тили Ўзбек	Хафтадаги дарс соатлари 8	Хафтадаги дарс соатлари 9
1.	Фаннинг номи	Аудитория машгулотлари (соат)	Мустақил таълим (соат)
	Давлат бошқаруви асослари	120	150
2.	270		

1.	I. Фаннинг мазмуни Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларнинг давлат бошқаруви соҳасидаги илмий-назарий билим ва кўникмаларини ошириш, сиёсий жараёнларни туғри баҳолаш, таҳлил қилиш ва ривожлантириш бўйича билимларга эга бўлиш, давлат бошқарувида хос асосий тушунчалар, категорияларни, бошқарувнинг замонавий сиёсий технологиялари ва тамойилларини ўргатиш ҳамда уларни амалиётда татбиқ этиш кўникмасини ҳосил қилишдан иборат. Фаннинг вазифаси – давлат бошқаруви тизими ва жараёнларига хосназарий билимлар, амалий кўникмалар, услубий ёндашув ҳамда илмий дунёқарашни шакллантириш, давлат бошқаруви шакллари, ривожланиш хусусиятларининг мазмун-моҳиятини билиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти, давлат хизмати ва хизматчисини тайёрлашборасида талабада шахсий муносабатни шакллантириш орқали сиёсий маданиятини ошириш.
2.	II. Асосий назарий қисм (маъруза машгулотлари) III.1. Фан таркибига қўйиладиган мавзулар киради: 1-мавзу. Бошқарув тушунчаси. Давлат бошқарувининг мазмуни ва хусусиятлари. Давлат, бошқарув, давлат бошқаруви, “маҳаллий бошқарув” тушунчаларининг мазмуни ва моҳияти. Бошқарув субъекти ва объекти. Бошқарув тушунчасининг ривожланиш динамикаси. Бошқарув жараёнининг элементлари. Бошқарув предмети ва сифати. Бошқарув услуби. Бошқарув усулларининг таснифи. Ижтимоий ҳаётда бошқарувнинг тутган ўрни. Давлат бошқарувининг ўзига хос хусусиятлари. Давлат бошқарувининг турлари. “Давлат бошқаруви асослари” фаннинг предмети, мақсади ва вазифалари. “Давлат бошқаруви асослари” фаннинг сиёсий фанлар билан боғлиқлиги. 2-мавзу. Давлат тушунчаси, моҳияти, белгилари ва типлари. Давлат тушунчаси ва моҳияти. Давлат моҳиятини ўрганишга турлича методологик ёндашувлар. Давлатнинг асосий белгилари. Давлат типологияси. Давлат шакли тушунчаси, унинг таркибий унсурлари.

5.	жорий, оралик назорат шаклларида берилган вазифа ва топшириқларни бажариш, якуний назорат бўйича ёзма ишни муваффақиятли топшириш. Асосий адабиётлар 1. Атаманчук Г.В. Теория государственного управления: учебник / Г.В.Атаманчук. 2-е изд., стер. –М.: Омега-Л, 2011; 2013. –525 с. 2. Ветрова Е.А. Основы государственного управления: учебно-методическое пособие / Е. А. Ветрова, Е. Е. Кабанова. – Изд. 2-е, стер. – Москва; Берлин: Директ-Медиа, 2018. –368 с. 3. Йўлдошев Н.К., Набаков В.И. Менеджмент назарияси. Дарслик. –Т., 2013. –433 б. 4. Ривожланган давлатларда давлат бошқаруви: тарихий таъриба, хозирги ҳолат ва ривожланиш тенденциялари (ўқув кўлланма). 1-том. / Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси. –Т.: Турон Замин Зиё, 2016. – 190 б. 5. Хожиев Э. Давлат ва жамият бошқарувининг ҳукукий асослари. –Т.: Янги китоб, 2017. – 256 б. 6. Мирзаахмедов К. Ўзбекистонда давлат бошқаруви жараёнларини демократлаштириш. Монография. –Т.:Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти, 2019. – 212 б.
6.	Қўшимча адабиётлар 7. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни катъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд.–Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 592 б. 8. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилиб энг олийбаҳодир. 2-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 2018 йил. –508б. 9. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуг халқнинг – иши ҳам улуг, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – 400 б. 10. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юқсалиш сари. 4-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – 452б. 11. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон Стратегияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2021. 12. Василенко И.А. Государственное и муниципальное управление: учебник для академического бакалавриата / И. А. Василенко. –6-е изд., пер. и доп. –М.: Издательство Юрайт, 2014. –494 с. 13. Купряшин Г.Л. Политика-административные институты модернизации государственного управления. –М.: МГУ, 2013. –434 с. 14. Мирбобоев Б. Ўзбекистонда давлат хизматини таълимнинг таълимий-хукукий масалалари. –Т.: Академия, 2005. 15. Пахрутдинов Ш.И. Барқарор тараққиёт ва раҳбар маъсулияти. – Т.: Академия, 2011. 16. Равшанов Ф. Хорижий мамлакатлар давлат хизматини таълимлари дарахбар кадрлар танлашга жарибала ри. –Т.: Академия, 2008.

	хизматлар кўрсатиш)да “трансфер” ишларни ташқи ташкилотларга ўтказиш ва жалб этиш (ташқи ижрочи) тизими. 42. “Замонавий давлат менежменти”нинг асосий кўрсаткичлари. 43. Давлат хизмати учун кадрларни тайёрлашнинг махсус дастурлари “MPA–Master of Public Administration” ва стандартларнинг мазмуни ва моҳияти. 44. Ривожланган давлатларда давлат бошқарув органлари учун кадрларни танлаш услублари ва технологиялари. 45. Давлат бошқаруви персоналини тоифага ажратишда функция ва ваколатларни тақсимлаш технологиялари. 46. Давлат бошқарувини тизимлаштириш жараёнида “чизикли” ва “функционал” моделларнинг мазмун-моҳияти. 47. Ҳокимият тармоқлари орасидаги ҳамкорлик ва мувозанатни таъминлашнинг субординацион ва координационимиллари. 48. Абу Наср Форобий бошқарув тизимида жамият ва раҳбар гармонияси ҳақида. 49. Юсуф Хос Ҳожибнинг бошқарув ва раҳбарликнинг ахлоқий масалалари тўғрисидаги қарашлари. 50. Низомулмулкнинг бошқарувни ташкил этиш ва раҳбарлик маҳорати тўғрисидаги ёндашувлари. Мустақил ўзлаштирилган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади.
3.	V. Таълим натижалари / Касбий компетенциялари Талаба билиши керак: • давлат бошқаруви тушунчаси ва шаклланиши асослари, бошқарув объекти ва субъекти, давлат бошқарувининг тизими, институционал, ташкилий ва функционал назариялари ҳақида <i>тасаввурга эга бўлиши</i>;(билим) • давлат бошқарувига хос концептуал асослар, моделлар ва назарияларнинг самарали ривожланиш босқичлари, асосий тушунчалар ва хусусиятларинибилиши ва улардан фойдалана олиши;(қўникма) • талаба давлат бошқарувининг замонавий моделлари ва технологияларини киёсий таҳлил қилиш, таъбиқ этиш усулларини қўллаш, самарали бошқарув механизмларини жорий этиш муаммолари бўйича ечимлар қабул қилишқўникмаларига эга бўлиши керак.(малака)
4.	VI. Таълим технологиялари ва методлари: • маърузалар; • интерфаол кейс-стадилар; • семинарлар (манتيкий фиклаш, тезкор савол-жавоблар); • гуруҳларда ишлаш; • тақдимотлар қилиш; • индивидуал лойиҳалар; • жамоа бўлиб ишлаш ва химоя қилиш учун лойиҳалар.

	Давлатнинг ички ва ташқи функциялари ҳамда уларга таъсир қилувчи омиллар. Ўзбекистонда давлатчиликни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари.
	3-маву. Шарк мамлакатларида давлат бошқаруви тамойиллари ривожланишининг тарихий илдишлари.
	Шарқда илк давлатчиликнинг қарор топиши ва асосий омиллари. Илк давлатлар бошқарув тамойиллари борасидаги ёзма манбалар. Ўзбекистон ҳудудида шаклланган давлатлардаги бошқарув тамойилларининг илк босқичлари ва кўринишлари. Давлатчилик бошқаруви тамойиллари, ижтимоий мансабларни эгаллаш, жамоа ишлаб чиқариш муносабатлари ва ижтимоий меҳнат тақсироти билан боғлиқлиги. X-XI асрлар Шарк давлатчилигида давлат бошқарув назарияларининг ишлаб чиқилиши.X-XI аср давлат бошқарувининг назарий-амалий манбалари. Абу Мансур ал-Мотуридийнинг “Маохиз аш-шаройиъ” (“Мусаффо йўл”) ва “Қитоб ат-тавхид”, Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри”, “Шаҳарни ўрганиш ҳақида китоб”, “Миллат (халқ) ва шаҳарни бошқариш ҳуқуқлари тўғрисида сўз”, “Аскарларни бошқариш ҳақида сўз”, “Умумий бошқариш (сиёсат) китоби”, Ас-Собийнинг “Русум дар ал-хилафа”, Абулқосим Фирдавсийнинг “Шохнома”, ал-Мовардийнинг “Аҳком”, “Насихат ал-мулк”, “Сиёсат ал-мулк”, Низомулмулкнинг “Сиёсатнома”, “Дастур ал-вузаро”, “Қонун ал-мулк” асарлари мазмуни ва моҳияти. Амир Темур ва темурийлар даври давлат бошқаруви, қонунчилик ва харбий сиёсати.
	4-маву. Давлат бошқарувининг шаклланиши ва ривожланишига хос концептуал ёндашувлар.
	Давлат бошқарувида оид назарияларнинг ривожланиш босқичлари. Шарк ва Ғарб давлатларида бошқарув назарияларининг мазмуни ва моҳияти. Давлат бошқарувининг классик мактаби назариялари (<i>Classical School of Management</i> —А.Файоль, Л.Урвик, Д.Муни, Ф.Тэйлор). Давлат бошқаруви назарияларининг ривожига “илмий менежмент” (А.Файоль, Г.Форд ва Г.Эмерсон) ва “кишилик муносабатлари” (Э.Мэйо, Д.Морено, Д.Макгрегор, Ф.Ротлисбергер, А.Маслоу, О.Херцбергер) мактабларининг ўрни ва роли. Давлат бошқаруви тизимида маъмурий ислохотларнинг замонавий усуллари. “Янгича давлат бошқаруви”, “Муносиб бошқарув”, “Мувофиқлаштирилган бошқарув”концепцияларининг мазмуни ва моҳияти. Маъмурият (“<i>government</i>”) ва бошқарув (“<i>governance</i>”) ғояларининг боғлиқлиги ҳамда фарқли жиҳатлари. Давлат бошқарувидаётқилик, рационал бюрократия, ривожланиш босқичлари, профессионаллик, иқтисодий, самарали бошқарув ёндашувларининг моҳияти. Давлат бошқарувини демократлаштириш ва модернизациялаш борасидаги ёндашувлар ҳамда йўналишлар тизими.
	5-маву. Давлат бошқаруви шакллари ва турлари.
	Давлатнинг республика ва монархия шакллари. Давлатнинг унитар,

федератив ва конфедеративлик белгилари. Давлат бошқаруви шакллари ва турларига хос илмий-назарий ёндашувлар. Давлат бошқарувининг ҳукукий ва ҳукукий бўлмаган шакллари. Давлат бошқарувида федерал, минтақавий ва маҳаллий бошқарув шакллари жорий этиш тизими. Давлат ҳокимияти ва маҳаллий ҳокимият ўртасида ваколатларни тақсимлаш ва номарказлаштириш амалиёти.

6-мавзу. Давлат бошқарувининг функциялари ва усуллари.

Давлат бошқарувининг объекти ва субъекти. Бошқарув функцияларининг типлари ва мазмуни. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг функциялари. А.Файолнинг бошқарув функциялари типологияси. Давлат бошқарувининг ички, ташқи, умумий, махсус функциялари (Г.В. Атаманчук). Давлат бошқаруви усуллари мазмуни ва моҳияти. Давлат бошқарувида маъмурий усуллар тури ва таснифи. Давлат бошқарувида маъмурий-ҳукукий, ташкилий, сиёсий бошқарув, иктисодий, ижтимоий, мафкуравий усулларнинг мазмуни ва моҳияти.

7-мавзу. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг шаклланиши асослари.

Давлат бошқаруви субъектлари таснифи. Давлат бошқарув органлари тушунчаси ва турлари. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг функциялари. “Умумий” ва “махсус” ваколатли давлат органлари таркиби. Марказий ва маҳаллий бошқарув органларнинг ташкилий структураси. Юқори – қуйи ва горизонтал – вертикал бошқарув органларининг структур-функционал тузилмаси. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини ташкил қилишнинг чизикли, функционал-чизикли типлари. Сиёсий ҳокимият ва давлат ҳокимиятининг институцийвий таркиби. Маҳаллий ҳокимият органлари тизими, фаолияти ва ваколатлари. Самарали бошқарув трансформацияси. Давлат (Президент) администрацияси: таркиби ва фаолият шакллари.

8-мавзу. Давлат ҳокимиятининг бўлиниш таъминоти.

Давлат ҳокимияти бўлиниши таъминотининг генезиси ва динамикаси. Замонавий ҳокимият бўлинишига доир сиёсий-ҳукукий концепциялар ва уларнинг устувор таъминоти. Давлат ҳокимияти бўлинишининг замонавий моделлари. Ҳокимият тармоклари орасидаги ҳамкорлик ва мувозанатни таъминлашнинг субординацион ва координацион омиллари. Демократик ислохотлар жараёнида ҳокимият тармоклари ваколатлари ва назорат функцияларини қучайтириш. Ҳокимият бўлиниши таъминотининг жойлардаги амалиёти ва бошқарув функцияларининг тақсимланиши.

9-мавзу. Маҳаллий бошқарув тушунчаси ва унинг институционал белгилари.

Маҳаллий бошқарув тизимини тадқиқ этишнинг концептуал-методологик

19. Давлат бошқаруви субъектларининг қонуний ҳокимият ваколатларини маъмурий тартибда амалга ошириш механизми.
20. М.Вебернинг давлат бошқаруви тизимида “ижтимоий ёндашув” концепцияси.
21. Давлат бошқаруви органлари тизимини структуралашга ўтиш жараёнида чизикли тизимлаш усули.
22. Давлат ҳокимияти органларининг коллегиял ва яккабошлик тизими.
23. Давлат ҳокимияти ва бошқарувида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш.
24. Япониядаги маъмурий ислохотларнинг ўзига хос жиҳатлари.
25. Давлат бошқаруви органлари тизимининг функционал, институционал, персонал жиҳатлари.
26. XX асрнинг 80-йилларидан давлат бошқарувини демократлаштиришда “замонавий транзитология” мазмуни ва моҳияти.
27. Г.Алмонд ва С.Вербалар томонидан “когнитив йўналтирилганлик”, “аффеktiv йўналтирилганлик” ва “баҳолаш нуктаи назаридан ёндашиш” каби компонентларнинг бошқарув соҳасига таъсири.
28. Ўзбекистонда давлат бошқаруви жараёнларини демократлаштиришнинг асосий тамойиллари.
29. Парламентаризм принциплари асосида фаолият кўрсатувчи давлат институтлари.
30. “Янги давлат бошқаруви” моделининг ўзига хос хусусияти ва амалиёти.
31. “Электрон ҳукумат” тизимини тақомиллаштириш ва давлат бошқарувини автоматлаштириш жараёнлари.
32. Ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг институционал ва ташкилий-ҳукукий асосларини тақомиллаштириш.
33. Давлат бошқаруви тизимида стратегик режалаштиришнинг замонавий шакллари, инновацион тоғлар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш.
34. Профессинал давлат хизматининг самарали тизимини шакллантириш.
35. Фуқаролик жамияти институтларининг давлат бошқаруви функцияларини амалга оширишдаги роли ва таъсири.
36. Ўзбекистонда давлат бошқарувининг ҳозирги босқичида уни демократлаштириш ва модернизациялашнинг асосий йўналишлари.
37. Давлат бошқаруви тизими фаолияти самарадорлигини мониторинг қилишнинг Франция таҳрибаси.
38. Бошқарувида муайян функцияларни амалга ошириш учун учинчи томон ташкилотларини жалб қилишнинг “аутсорсинг” ва “контрактинг аут” амалиёти.
39. Ривожланган Ғарб давлатлари амалиётида давлат бошқаруви тизимида “ташқи манбалар технологияси” дан фойдаланишнинг сиёсий технологиялари.
40. Давлат бошқаруви жараёнларида давлат-хусусий шериклик принципларини ривожлантириш.
41. Худудий секторлараро бошқарув фаолиятида (ишларни бажариш,

Амалий машгулотлар мультимедиа курилмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гуруҳга бир профессор-ўқитувчи томонидан ўтказилиши зарур. Машгулотлар фаол ва интерфактив усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

IV. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Давлат бошқарувида доир илмий концепцияларнинг ривожланиш босқичлари.
2. Давлат бошқарувининг ташкилий-маъмурий механизми: моделлар ва усуллар.
3. Маҳаллий бошқарувнинг ташкилий механизмлари.
4. Давлат бошқаруви самардорлигини баҳолашнинг асосий ёндашувлари.
5. Ўзбекистон Республикасида “Маъмурий ислохотлар концепцияси”нинг мазмун-моҳияти.
6. Бошқарув назариясига тизимли ва эконометрик ёндашувлар (Т. Парсонс, Р. Мертон, Ч. Барнард, Г. Саймон, Ф. Селзник, А. Этциони).
7. Давлат бошқаруви назарияларининг фансифатида ривожланиш босқичлари (XXI асрнинг 80-йиллари, XX асрнинг 20-50-йиллари, XX асрнинг 50-70-йиллари, давлат бошқаруви назариясининг замонавий босқичи).
8. Ғарб мамлакатларида давлат бошқаруви тизимининг қиёси таҳлили (АҚШ, Англия, Франция, Германия мисолида).
9. Шарқ мамлакатларида давлат бошқаруви тизимининг ўзига хос хусусиятлари (Хитой, Япония, Сингапур, Ўзбекистон мисолида).
10. АҚШнинг Чикаго университети профессори Леонард Уайтнинг “Давлат бошқаруви масалаларини ўрганишга кириш” (1926) дарслигининг мазмунини ва моҳияти.
11. Германияда давлат бошқарувини янгилаш – бошқарув диффузияси жараёнларининг хусусияти.
12. Америкалик олимлар Д. Осборн ва Т. Гэблерларнинг “Давлат бошқарувида янгича назар” (1992) асарининг мазмун-моҳияти.
13. Америкалик олимлар Д. Осборн ва Т. Гэблерларнинг “янги тип”даги давлат бошқарувининг 10 та принципи.
14. Парламентаризм тараққиётининг ўзига хос босқичлари.
15. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларини ташкил этиш тартиби ва принциплари.
16. Давлат, жамият ва ва бошқарув феноменлари эволюциясининг қиёсий таҳлили.
17. Париж университети профессори Морис Доверженинг “институтлар назарияси” концепцияси.
18. Маъмурий-ижро тизимининг юқоридан-пастга, пастдан-юқорига қараб ҳаракат қилиши (вертикал тизим).

асослари. Маҳаллий ҳокимият органлари тузилиши ва ваколатлари таснифи. Маъмурий ислохотлар: маҳаллий бошқарув тизимини ташкил этишнинг замонавий модели. Маҳаллий бошқарувда маҳаллий ижроия ва вакиллик органларининг ўрни ва роли. Маҳаллий бошқарув ресурслари. Маҳаллий бошқарувнинг ташкилий-ҳукукий асослари. Гориантал ва вертикал бошқарув шакллари. Маҳаллий ҳокимият органлари тизими.

10-мавзу. Давлат бошқаруви тизимида сиёсий ҳокимият легитимлиги ва легаллиги.

Сиёсий ҳокимият легитимлиги ва легаллиги муносабатларининг концептуал асослари. Сиёсий ҳокимиятнинг легитимлаштиришнинг хусусиятлари ва тенденциялари: хорижий таъриба. Макс Вебернинг легитимлик турлари назарияси. Сайлов сиёсий ҳокимиятнинг легитимлаштириш воситаси сифатида. С. Липсетнинг сиёсий тизим легитимлиги ва самардорлиги ўртасидаги боғлиқлик назарияси. Давлат ҳокимиятини легитимлаштириш механизми: босқичлари, институционал шакллари ва тартиби. Легитимлик ва суверенитет тушунчаларининг боғлиқлиги. Сиёсий режим турларининг легаллик ва легитимлик жараёнларига таъсири.

11-мавзу. Президентлик институти ва унинг шакллари.

“Президент” бошқарув институти тушунчаси ва сиёсий-ҳукукий мазмунига оид илмий-назарий ёндашувлар. Хорижий мамлакатларда президентлик институтининг вужудга келиши ва ривожланиши хусусиятлари. Давлат бошқарувининг республика шаклига асосланган мамлакатларда президентлик институтининг ўзига хос хусусиятлари. Президентлик институтининг конституциявий-ҳукукий мақоми. Ўзбекистонда президентлик институти ривожланишининг устувор йўналишлари ва босқичлари. Президент фаолиятини амалга оширишнинг ташкилий-ҳукукий шакллари.

12-мавзу. Давлат ва жамият қурилиши тизимида парламентнинг ўрни.

Парламент тушунчаси ва шаклланиши тарихи. Парламент давлат бошқаруви институти сифатида. Парламентлик бошқарув тизими. Парламентнинг ваколатлари ва функцияси. Парламентаризм босқичлари. Парламентаризм институтининг ўрнатилиши. Парламентаризм принциплари. Парламент – халқ ҳокимиятининг ишончи. Парламентларaro алоқаларни ривожлантириш. Парламентнинг бошқа давлат ҳокимияти тармоқлари – президентлик институти, ижро этувчи ва суд ҳокимияти билан ўзаро муносабатлари механизмлари. Давлат бошқарувини демократлаштириш ва модернизация қилиш шароитида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг роли ва таъсирини ошириш истиқболлари. Парламентнинг қонунчилик ва назорат функцияларини ривожлантириш ҳамда

самарадорлигини ошириш.

13-маву. Вертикал бошқарув тизими ва ижро этувчи ҳокимият органлари.

Вертикал бошқарув тушунчаси,* ташкил этиш шакллари. Давлат бошқарувида стратегик режалаштиришнинг замонавий шакллари. Давлат бошқарув органлари ваколатларини маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, вилоятдан туман (шаҳар) давлат ҳокимияти органларига ўтказишни назарда тутган ҳолда, давлат бошқарувини босқичма-босқич номарказлаштириш. Ижро этувчи ҳокимият органларининг раҳбар кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кучайтириш. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва ҳокимлар фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини таъминлаш.

14-маву. Давлат бошқаруви тизимида суд ҳокимияти органлари фаолияти.

Суд-хуқук тизимини ислох қилишнинг назарий асослари. Шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-хуқук тизимини шаклланиш тарихи ва ривожланиш босқичлари. Судларнинг тузилиши ва ваколатлари. Хорижий мамлакатлар Конституцияларида белгиланган суд-хуқук тизимига оид қондалар. Ўзбекистонда суд-хуқук тизимини ислох этиш ҳамда инсон ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ислохотлар.

15-маву. Давлат ва нодавлат ташкилотлари давлат бошқаруви субъекти сифатида.

Давлат ва нодавлат ташкилотлари тушунчаси ва уларнинг турлари. Ташкилот устави ва таъсис шартномаси. Ташкилотнинг бошқарув органи. Ташкилотнинг маъмурий-ҳуқуқий мақоми. Аутсорсинг ва контрактнинг аут тизимида давлат ва нодавлат муассасаларининг хусусиятлари. Акциядорлик жамиятлари. Нодавлат нотижорат ташкилотлари. Касаба уюшмалари. Сийсий партиялар.

16-маву. Давлат бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш технологиялари.

Давлат бошқарув қарорларининг мазмуни ва моҳияти. Бошқарув қарорларини қабул қилишга доир назариялар. Давлат бошқарув қарорларини қабул қилиш усули ва шакллари. Давлат бошқарув қарорларини қабул қилиш даражалари ва босқичлари. Давлат бошқарув қарорларини қабул қилишнинг ҳуқуқий асослари. Давлат бошқарув қарорларини қабул қилиш ва амалга ошириш технологиялари. Давлат бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнлари. Мониторинг ва назорат қилиш тартиби. Маъмурий қарорларни жорий этиш босқичлари. Давлат бошқарув қарорларини қабул қилишда вазиятни баҳолаш усуллари. Қарор қабул қилишда сийсий башорат,

2. Давлат бошқаруви тушунчаси, унинг ижтимоий-сийсий моҳияти.
3. Давлат бошқарувини демократлаштиришга концептуал ёндашувлар.
4. Давлат, жамият ва ва бошқарув феномени эволюциясининг қиссий таҳлили.
5. Маъмурий давлат бошқаруви назариялари.
6. Ўзбекистонда давлат бошқарувининг ташкилий тузилмаси, ривожланиш босқичлари.
7. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизими ривожланишининг ҳуқуқий асослари.
8. Жамиятни демократлаштириш, ижтимоий ҳаётни эркинлаштириш жараёнида бошқаруви модернизациялаш йўналишлари.
9. Давлат хизматлари кўрсатишнинг замонавий усуллари.
10. Ўзбекистонда давлат бошқарувини самарали ташкил этишда бошқарувчи кадрлар тизимини такомиллаштириш.
11. Давлат бошқаруви самарадорлигини баҳолашга оид концепциялар.
12. АҚШ, Канада ва Европа мамлакатларида давлат бошқаруви самарадорлигини баҳолаш технологияларини жорий этиш эволюцияси.
13. Япония ва Сингапурда давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш ва баҳолаш билан боғлиқ жараёнлар.
14. Халқаро ташкилотлар томонидан давлат бошқаруви самарадорлигини баҳолаш бўйича ишлаб чиқилган ёндашув ва услублар таҳлили (Жаҳон банки, Жаҳон иқтисодий форуми, Transparency International ташкилотлари мисолида).
15. Давлат ҳокимияти бўлиниши тамойилининг генезиси ва динамикаси.
16. Ҳокимият тармоклари орасидаги ҳамкорлик ва мувозанат.
17. Демократик ислохотлар жараёнида ҳокимият тармоклари ваколатлари ва назорат функцияларини кучайтириш.
18. Давлат хизмати тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари.
19. Давлат хизматининг ҳуқуқий асослари ва асосий тамойиллари.
20. Давлат хизматчилари тушунчаси ва таснифи.
21. Бошқарув қарорлари қабул қилишга доир қарашлар ва уларнинг тақлини.
22. Бошқарув қарорлари қабул қилиш усуллари ва шакллари.
23. Ўзбекистонда маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг шаклланиши ва ривожланиши босқичлари.
24. Давлат ҳокимиятини номарказлаштириш.
25. Ривожланган давлатлар тажрибасида давлат бошқарувини демократлаштириш.
26. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизими ривожланишининг сийсий, ҳуқуқий асослари.
27. Давлатнинг бошқарув функцияларини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг иштироки.
28. Давлат бошқарув органлари тизимини структуралаш йўналишлари.
29. Электрон ҳукуматнинг асосий вазифалари ва принциплари.
30. Давлат бошқарув моделлари

хозирги кўнчага бўлган вақтни ўз ичига олган давлат бошқаруви янги сифат босқичи: халқ билан мулоқот ва демократлашув жараёнининг жадаллашуви даври хусусиятлари.

28-мавзу. Ўзбекистонда давлат бошқаруви функцияларини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг иштироки
“Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонуннинг амалий аҳамияти ва мазмуни. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича Маслаҳат кенгашининг ўрни ва роли. Ўзбекистон давлат бошқаруви тизимида сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва ОАВнинг тўғрисидаги Қонунини мазмуни ва амалий аҳамияти. “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонунини мазмуни ва амалий аҳамияти. Фуқаролик жамияти институтларининг жамоатчилик назорати соҳасидаги функциялари.

29-мавзу. Ўзбекистонда давлат бошқарувини модернизациялаш йўналишлари.

“Харакатлар стратегияси” – Янги Ўзбекистоннинг давлат бошқаруви тизимидаги сиёсий модернизация асоси. Ўзбекистонда давлат органларининг халқ билан мулоқот қилишдаги замонавий механизмларининг жорий этилиши. Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясининг мазмуни ва моҳияти. Ўзбекистонда ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларининг такомиллаштирилиши. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизимида стратегик режалаштиришнинг замонавий шакллари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш амалиёти. Давлат бошқаруви органлари фаолиятида коррупцияга қарши курашнинг таъсирчан механизмларининг жорий этилиши.

30-мавзу. Ўзбекистонда давлат бошқарувининг истикболи йўналишлари.

Маҳаллий бошқарув органларида бошқарув функцияларини бериш тизими. Номарказлаштириш натижасида давлат хизматларини кўрсатиш даражаси ва бошқарувчи кадрлар сифатини ошириб бериш тамойиллари. Давлат хизматлари кўрсатишнинг инновацион шакллари ва усулларини жорий этиш. Худудларни ривожлантириш дастурларини шакллантириш ва аҳолининг энг муҳим муаммоларини халқ қилишда давлат хизматининг унификацияланган ҳуқуқий асосларини қўллаш босқичлари. Давлат хизматчиларининг профессионал корпусини яратиш.

III. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Марказий Осиё мутафаккирларининг давлат бошқаруви тизимининг шаклланиши масалалари борасидаги ёндашувлари.

режалаштириш, моделлаштириш технологияларининг аҳамияти. Бошқарув қарорларини қабул қилишда тизимли таҳлилни ўрни. Бошқарув қарорлари самарадорлигини ошириш омиллари. Илмий усулдан фойдаланиш технологияси.

17-мавзу. Давлат бошқаруви самарадорлигини баҳолаш тизими: моҳияти, турлари ва асосий усуллари.

“Давлат бошқаруви самарадорлиги” тушунчасининг ижтимоий-сиёсий моҳияти. Давлат бошқаруви самарадорлигини баҳолашга оид концепциялар. Халқаро ташкилотлар томонидан давлат бошқаруви самарадорлигини баҳолаш бўйича ишлаб чиқилган ёндашув ва услублар таҳлили (Жаҳон банки, Жаҳон иқтисодий форуми, Transparency International таъкилотлари мисолида). Давлат бошқаруви самарадорлигини баҳолашга доир халқаро таъриба. Давлат бошқаруви самарадорлигини баҳолашнинг “efficiency” (самарадорлик), “effectiveness” (натижадорлик), “economy” (тежамкорлик) моделлари. Давлат бошқаруви самарадорлигини баҳолашнинг (сарф-харажатлар-*inputs*, оралик-*outputs*, якуний натижалар-*outcomes*) моделлари. “Умумий баҳолаш схема”си (CAF-Common Assessment Framework) моделининг мазмуни ва моҳияти.

18-мавзу. Бошқаруви номарказлаштиришнинг хусусиятлари.

Номарказлаштириш сиёсатининг ўзига хос мазмуни ва динамикаси. Сиёсий соҳадаги бошқаруви номарказлаштириш концепциялари. Функционал ва худудий номарказлаштириш шакллари. Номарказлаштиришнинг маъмурий ёндашув назариётчилари (М.Шихан, Ф.Бейлей, Р.Чампан)нинг илмий-назарий ёндашувлари. Бошқаруви децентрация, делегация ва деволюция номарказлаштириш усуллари. Номарказлаштиришнинг асосий хусусиятлари. Бошқарув соҳасини номарказлаштиришнинг ижобий ва салбий омиллари. Бошқаруви номарказлаштириш ва фуқаролик жамияти ўртасидаги муносабат.

19-мавзу. Давлат хизматининг умумий тавсифи.

Давлат хизмати тушунчаси, ўзига хос хусусиятлари ва турлари. Давлат хизматида ташкилий ва институционал ёндашувлар. Давлат-хизмат муносабатларини тартибга солувчи тузилмалар. Давлат хизматининг асосий тамойиллари. Давлат хизмати функциялари. Давлат хизмати соҳасида хорижий таъриба (Германия, Франция, Англия, АКШ, Япония, Сингапур, Болгария ва б.). Давлат хизматини ўташ тартиби. Давлат хизматининг давлат органларида амалга оширилиши. Давлат хизмати этикаси. Давлат хизмати тизимининг истикболни белгилашга инновацион ёндашувлар.

20-мавзу. Давлат хизматчиси тушунчаси ва таснифи.

Давлат хизматчиси тушунчаси, мазмуни ва моҳияти. Давлат хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми. Давлат хизматчисини тайёрлаш бўйича

хориж таърибаси. Давлат хизмати тизимидаги лавозимларнинг таснифи. Давлат хизматчиларининг таснифи: давлат ҳокимияти органларининг фаолият доирасига қараб; давлат хизматининг хусусиятларидан келиб чиқиб; ҳокимиятнинг бўлиниш тамойилларидан келиб чиқиб; мансаб ваколатларининг ҳажмига қараб. *Давлат хизматчисининг одоб-ахлоқ қоидалари. Давлат хизматчиларининг ҳуқуқлари. Давлат хизматчиларининг мажбуриятлари. Давлат хизматчилари учун ўрнатилган қафолатлар. Давлат хизматига кириш тартиби ва синов муддати. Давлат хизматчисини рағбатлантириш асослари. Давлат хизматида жавобгарлик чоралари.

21-мавзу. Электрон ҳуқумат ва электрон хизмат кўрсатиш тартиби.
Электрон ҳуқумат тушунчаси, шаклланиш босқичлари. Электрон ҳуқуматнинг асосий вазифалари ва принциплари. Электрон ҳуқумат тўғрисидаги қонунчилик. Электрон ҳуқумат соҳасида хорижий таъриба. Электрон ҳуқумат инфратузилмаси. Электрон ҳуқумат соҳасини давлат томонидан тартибга солиш. Давлат органларининг электрон ҳуқумат соҳасидаги ваколатлари. Электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартиби. Электрон давлат хизматларига доир талаблар. Электрон давлат хизмати кўрсатиш тўғрисидаги сўров ва жавоб бериш шакллари ҳамда талаблари. Электрон давлат хизматлари кўрсатиш сифатини баҳолаш.

22-мавзу. Бошқарувчи кадрлар тизимини шакллантириш.
Давлатнинг кадрлар сиёсати: концептуал асослар, мақсад ва вазифалар. Бошқарувчи кадрлар тизимини шакллантиришнинг илмий асосланганлик, демократик, прогностлаш тамойилларининг мазмун-моҳияти. Бошқарувчи кадрлар тизимини шакллантиришда хориж таърибаси (АҚШ, Франция, Англия, Германия, Япония). Инсон ресурсларини ривожлантириш стратегиялари. Кадрлар сиёсати ва бошқарувчи кадрлар захирасини шакллантириш технологиялари. Бошқарувчи кадрларни режалаштириш: тамойиллар, усуллар ва илмий ёндашувлар. Давлат бошқарувида раҳбар кадрлар тизими фаолиятини модернизациялаш: муаммолар ва уларнинг ечими.

23-мавзу. Давлат бошқарувида иқтисодий сиёсат.
Давлат иқтисодий сиёсатининг мақсади ва уни амалга оширишнинг асосий йўналишлари. Давлат бюджетини шакллантириш. Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш. Давлат иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишлари. Глобал иқтисодий сиёсат марказларининг илмий изланишлари ва эришилган натижалари. Давлатнинг иқтисодий ўсиш моделлари. Халқаро иқтисодий интеграция. Интеграция турлари, босқичлари ва йўналишлари. Давлатни инвестицион сиёсати – мамлакат ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим шарт.

24-мавзу. Давлат бошқарувида ижтимоий сиёсат.

Ижтимоий сиёсат тушунчаси, назарий асослари ва устувор йўналишлари. Ижтимоий тотувлик ва ижтимоий химоя тизимини шаклланишининг тарихий босқичлари. Аҳоли даромадлари ва унинг таркиби. Аҳоли турмуш даражаси ва унинг кўрсаткичлари. Ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишлари. Бозор иқтисодиёти шaroитида ижтимоий муаммолар, уларни бартараф қилиш механизмлари. Ижтимоий барқарорлик кўрсаткичлари. Ижтимоий сиёсат соҳасида хориж давлатлари таърибаси.

25-мавзу. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини ташкил этишда сайлов тизими.

Сайлов тушунчаси, турлари, мазмуни ва моҳияти. Референдум тушунчаси ва уни ўтказиш тартиби. Сайлов ва референдум ўтказиш тартибининг ҳуқуқий асослари. Сайлов тизимининг асосий элементлари. Сайлов тамойиллари. Давлат ҳокимияти органларини сайлаш тартиби ва хориж таърибаси. Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнлари. Парламент сайловини ташкил этиш тартиби. Вақиллик органларини сайлаш тартиби. Сайлов комиссияларини тузиш тартиби. Халқаро сайлов стандартлари. Сайлов жараёнларини ўтказиш муддатлари. Сайлов жараёнларини молиялаштириш тартиби.

26-мавзу. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати.

Жамоатчилик назорати – жамият ва давлат ўртасидаги муносабатни ифодаловчи ҳодиса. Жамоатчилик назорати мазмуни, хусусиятлари. Жамоатчилик назорати принциплари ва амалга ошириш шакллари. Жамоатчилик назоратининг сиёсий-ҳуқуқий асослари. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида интизомни таъминлаш усуллари. Маъмурий назорат ва жамоатчилик назорати тушунчаларининг боғлиқлиги. Жамоатчилик назорати субъектлари.

27-мавзу. Ўзбекистонда давлат бошқарувининг ташкилий тузилмаси, ривожланиш босқичлари.

Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизими, қурилиш тамойилларининг тарихий илдиэлари. Миллий мустақиллик шароитида Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизимидаги демократик ислохотлар. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва суд ҳокимиятларининг ҳуқуқий мақоми ва ваколатлари. 1991-2000 йилларни ўзи ичига олган Ўзбекистонда давлат бошқаруви асослари ва ҳокимият органларининг миллий демократик тамойиллар асосида қарор топиши. 2001-2010 йилларни ўзи ичига олган мамлакатни фаол демократик янгилаш, ислох этиш ва модернизациялаш даври. 2011-2016 йилларни ўз ичига олган фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш ҳамда фуқароларнинг давлат ва жамият бошқаруви жараёнларида фаол иштирокини таъминлаш даври. 2017 йилдан